



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI  
O'ZBEKISTON TUMANI HOKIMINING

**Q A R O R I**

“ 23 ” Декабрь 20 20 у

Yaypan shahri 1438 sonli

Фаровон келажак МФЙ Пастки тўлаш қишлоғида яшовчи фуқаро Талипова Санобарга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун ер майдонини ажратиб бериш тўғрисида

Тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6 ва 55-моддалари ҳамда “Деҳқон хўжалиги тўғрисида” ги қонуннинг 8-моддаларига “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” ги қонунининг 6-10-асосланиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Қишлоқ хўжалигига оид эҳтиёжлар учун ер майдонларини танлаш ва ажратиш комиссиясининг туман ҳокимлиги захира фондидаги ер майдонларидан Фаровон келажак МФЙ Пастки тўлаш қишлоғида яшовчи фуқаро Талипова Санобарга деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун ер майдонини ажратиб бериш тўғрисидаги 6.07.2020 йил кунги хулосаси тасдиқлансин.

2. Фаровон келажак МФЙ Пастки тўлаш қишлоғида яшовчи фуқаро Талипова Санобар туман ҳокимлиги захира фондига қарашли қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган Мукумий ММТП худудидаги № 403қ-контурдаги 0,20(йигирма сотих) га, ер майдонини деҳқон хўжалиги ташкил қилиш учун ҳамда иморатлар ва иншоотлар қуриш ҳуқуқисиз, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратиб берилсин.


3. Ушбу қарор туман ҳокимлиги томонидан тасдиқлангандан сўнг Ўзбекистон тумани “давлат хизматлари” марказидан рўйхатдан ўтказиш тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириб олиш вазифаси фуқаро Талипова Санобарга юклатилсин.

4. Мазкур қарорга биноан ер балансига тегишли ўзгартириш киритиш ҳамда ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириб бериш туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи А.Ражабовга, ер солиғини ундириш туман солиқ инспекцияси бошлиғи Ж.Кўчқоровга топширилсин.

5. Ушбу қарор тасдиғи халқ депутатлари туман кенгашининг навбатдаги сессиясига киритилсин.

6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиб бориш туман қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича туман ҳокими ўринбосари С.Қурбонов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



К.Джўраев

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги ҳузуридаги доимий ҳаракатдаги ер танлаш ва ажратиш комиссиясининг туман ҳокимлиги захира фондидаги ер майдонларидан Фаровон келажак МФЙ Пастки тўлаш қишлоғида яшовчи фуқаро Талипова Санобарга дехқон хўжалигини ташкил этиш учун ер майдони ажратиб бериш тўғрисидаги

## Х У Л О С А С И

6.07.2020 йил

Яйпан шаҳар

Туман ҳокимининг 2015 йил 22 январдаги 4-Ф-сонли фармойиши 2-иловасига асосан тасдиқланган қишлоқ хўжалигига оид эҳтиёжлар учун ер майдонларини танлаш ва ажратиш масалалари билан шуғулланувчи доимий ишловчи

Ўзбекистон туман комиссиясининг раиси:  
Қ.Джўраев -Туман ҳокими

Комиссия раиси ўринбосари:  
С.Қурбонов-Туман ҳокими ўринбосари

Комиссия котиби:  
А.Ражабов- туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи

Комиссия аъзолари:

И.Хамрақулов - Агрокимёхимоя Ўзбекистон тумани филиали раҳбари  
А.Маликов- туман сув хўжалиги бўлими бошлиғи  
Ғ.Хамрақулов- Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича Ўзбекистон туман инспекцияси бошлиғи  
А.Сулаймонов- туман ДСНМЭ бош врач  
Ю.Иргашев- фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси  
Э.Расулов- Муқумий ММТП раиси  
С.Талипова - фуқаро

Фаровон келажак МФЙ Пастки тўлаш қишлоғида яшовчи фуқаро Талипова Санобарнинг туман ҳокимлигида 15.06.2020 йил № 720 -сон билан қайд этилган дехқон хўжалиги ташкил қилиш учун ер майдонини ажратиб беришни сўраб ёзган аризасига ва тақдим этилган ҳужжатларга биноан жойига бориб ўрганилганда қуйидагилар аниқланди.

Ўрганиш давомида Фаровон келажак МФЙ Пастки тўлаш қишлоғида яшовчи фуқаро Талипова Санобар томонидан дехқон хўжалиги ташкил қилиш учун сўралган ер майдони Муқумий номли ММТП ҳудудидаги туман ҳокимлиги захира фондига қарашли № 403қ-контурдаги 0,20(йигирма сотих) га қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган даш ҳудудида жойлашган ер майдонидан иборат эканлиги, фуқаро Талипова Санобар номида ер майдони йўқлигини инобатга олиб, ушбу 0.20 га ер майдони Талипова Санобарга дехқон хўжалиги ташкил қилиш учун ажратиб берилса мақсадга мувофиқ бўлишлиги аниқланди.

Юкоридаги аниқланганларга кўра комиссия аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10 октябр 2017 йилдаги ПҚ 3318 сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг деҳқон хўжалиги юритиш учун фуқароларга ер участкаси бериш тўғрисидаги 55-моддасига асосланиб комиссия аъзолари куйидагича

**ХУЛОСА КИЛАДИ:**

1. Фаровон келажак МФЙ Пастки тўлаш қишлоғида яшовчи фуқаро Талипова Санобарга туман хокимлиги захира фондига карашли қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган даш худудида жойлашган “Муқумий” номли ММТП худудидаги қишлоқ хужалик харитасининг № 403қ контурдаги 0.20 (йигирма сотих)га тенг ер майдонини деҳқон хўжалиги ташкил қилиш учун ҳамда иморатлар ва иншоотлар қуриш ҳуқуқисиз, мерос қилиб қолдирадиган умурбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратиб берилсин.

2. Ушбу хулоса тасдиғини туман хокимидан сўралсин.

Комиссия раиси вб:

Қ.Джураев

Комиссия раиси ўринбосари:

С.Қурбонов

Комиссия котиби:

А.Ражабов

Комиссия аъзолари:

А.Маликов

Ю.Иргашев

И.Хамракулов

А.Сулаймонов

Ф.Хамракулов

Э.Расулов

С.Талипова

О.Вакобов



Яйпан шаҳар Зиёкор кучаси 108 уй  
YaupanshaxarZiyokorko'chasi 108 uy

тел:53 93 238 факс: 53 93 238  
tel: 53 93 238 faks: 53 93 238

18 декабр 2020 йил

Яйпан шаҳри

## Ўзбекистон тумани Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши

### ХУЛОСАСИ № 60

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.10.2017-йил кунги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора тадбирлар тўғрисида”ги 3318-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон тумани Фаровон Келажак МФЙда яшовчи фуқаро Толипова Санобархоннинг тумани ҳокимлигидан 19.06.2020-йил кунги №06-29/610-сон билан рўйхатдан ўтган аризасига асосан “Муқимий” ММТП ҳудудидagi тумани захирасига қарашли ер майдонидан кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳамда қўшимча ишчи ўрни яратиш учун деҳқон хўжалиги ташкил қилиш бўйича рухсат берилишини сўраб ёзган аризаси, Тумани “Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимининг 06.07.2020-йил кунги №07/05-231 сонли маълумотномаси асосланиб, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан қуйидаги хулосага келинди.

Ўзбекистон тумани Фаровон Келажак МФЙда яшовчи фуқаро Толипова Санобархонга Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодексини 55-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.04.1998 йил кунги 604-1-сонли қарори билан тасдиқланган “Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси қонунига асосан деҳқон хўжалигини ташкил этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

### Юқоридагилардан келиб чиқиб, тумани Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши хулоса қилади:

1. Ўзбекистон тумани Фаровон Келажак МФЙда яшовчи фуқаро Толипова Санобархоннинг тумани ҳокимлигидан 19.06.2020 йил кунги №06-29/612-сон билан рўйхатдан ўтган аризасидаги тумани захирасига қарашли ер майдонидан кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳамда қўшимча ишчи ўрни яратиш учун деҳқон хўжалиги ташкил қилиш бўйича рухсат берилишини сўраб ёзган аризаси маълумот ва ижро учун қабул қилинсин;
2. Ўзбекистон тумани Фаровон Келажак МФЙда яшовчи фуқаро Толипова Санобархон деҳқон хўжалиги хўжалиги ташкил қилиш ер майдонларини танлаш ва ажратиш бўйича доимий ҳаракатдаги комиссияси мақсадга мувофиқ деб топилсин;
3. Мазкур хулосани тасдиғини ва юқорида кўрсатилган ер майдонларини Толипова Санобархонга ажратиб бериш масаласи тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ер майдонларини танлаш ва ажратиш бўйича доимий ҳаракатдаги комиссиясидан сўралсин.

Ўзбекистон тумани Фермер, деҳқон хўжаликлари  
ва томорқа ер эгалари Кенгаши раиси:

Ю.Иргашев





Ҳауран ш. А.Навоий к.си.  
Тел/факс: 53-92-104, 53-92-361

Ҳайпан ш. А.Навоий к.си  
Тел/факс: 53-92-104, 53-92-361

« 6 » « 07 » 2020йил

№ 07/05-231 Ҳайпан шаҳар

Ўзбекистон тумани ҳокими  
Қ.Джўраевга

Нусхаси: Фаровон келажак МФЙ Пастки  
тўлаш қишлоғида яшовчи фуқаро  
Талипова Санобархонга

Туман ҳокимлигида 15.06.2020 йилда № 720-сон билан кайд этилган Фаровон келажак МФЙ Пастки тўлаш қишлоғида яшовчи фуқаро Талипова Санобархоннинг аризасини ўрганиб чиқиш натижалари юзасидан.

### Х У Л О С А

Фаровон келажак МФЙ Пастки тўлаш қишлоғида яшовчи фуқаро Талипова Санобархон туман ҳокими номига ёзган аризасида Мукумий ММТП худудидаги туман захирасига қарашли ер майдонларида деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун ер майдони ажратиб беришни сўраган.


Аризани мутахассилар томонидан ўрганилганида сўралган ер майдони туман ҳокимининг 23.08.2016 йилдаги 968 сонли, 23.08.2016 йилдаги қарорларини туман прокуратурасининг 10.03.2018 йилдаги № 11-18 сонли протесига асосан туман ҳокимининг 14.04.2018 йилдаги 755-сонли, 14.04.2018 йилдаги 756-сонли қарорлари билан бекор қилиниб, туман захирасига қайтарилган. Мукумий ММТП худудидаги 403қ контурдаги 0.20 га, ер майдони қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган балл бонитети 50 баллга тенг ер майдони эканлиги аниқланди. Шунга кўра, Фермер деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашидан ҳулоса олгандан сўнг туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш(реализация қилиш) масалалари билан шуғулланувчи комиссияда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Туман «Ер ресурслари ва давлат  
кадастри бўлими» бошлиғи:

А.Ражабов

Муқумий ММТП худуди туман захира фондига қарашли 403қ контурдаги ер майдони харитасидан

### КЎЧИРМАСИ



Туман "Ер ресурслар ва Давлат кадастри" бўлими  
бошлиғи:

бажарувчи:

А.Ражабов

А.Исмоилов

Контур рақами:

403қ